RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# МУҚАДДАС ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 ЙИЛ 14 МАРТ, СЕШАНБА | № 11 (163) | Сотувда эркин нархда

## МАСЪУЛИЯТ

### ёхуд юксак ҳуқуқий билимли соғлом авлодни тарбиялаш хусусида



***Инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган эркин фуқаролик жамияти қуриш сари дадил қадамлар қўйилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ёруғ келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодга катта умид боғладилар. Мустақиллигимиз ривожи, соғлом, бақувват ва албатта, ҳуқуқий билимга эга бўлган баркамол ёшлар қўлида, деб билди. Шу боис амалдаги асрнинг сўнгги қатор йиллари Президентимиз ташаббуслари билан «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили» ва ниҳоят 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб белгиланди.***

2-бет

*Фармонни ўқиб...*

## ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

*Куни-кеча Президентимизнинг «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғриланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан танишиб, ҳукуматимиз раҳбарияти олиб бораётган одилона сиёсатдан бошим кўкка етганлигини ушбу қисқа мактубим орқали ифода этмоқчиман.*

Айниқса, Фармонда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда рангли металлардан тайёрланган ишлаб чиқариш техника буюмларини ўғирлаш, рангли металлар парчалари ва чиқиндиларни сотиб олиш ва ноқонуний равишда олиб чиқиб кетиш, ҳаво ва кабел линиялари ҳамдо электрузатгичларга қасддан зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги таклифлар киритсин», дейилган жумлалар буюк келажак сари дадил одимлаётган ёш давлатимиз тараққиётига ғов бўлаётган нафс бандаларига катта зарба бўлишлиги айниқса, мени қувонтирди.

Ҳаёт ҳаёт экан-да! Ангрендаги «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Техтаъминот» ҳиссадорлик жамиятида ишлаган йилларимда очиғи, мен ҳам кўп номақбул воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Қонун устуворлиги, қонун барча учун баробар эканлигини юртбошимиз ҳар бир йиғилишларда жон куйдириб таъкидлаб турган бир пайтда шуни кўра-била туриб, давлат ва халқ бойлигини ўз манфаати йўлида талон-тарож қилаётганларнинг қилмишлари ҳақида юқорига шикоят ёзишга мажбур бўлдим ва бунинг натижасида тазйиқларга учрадим.

Мен юқорида таъкидлаганимдек, Ангрендаги «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Техтаъминот» ҳиссадорлик жамиятида омбор мудири бўлиб ишлардим. Ўтган 1999 йилнинг ёзида меҳнат таътилидан қайтиб келганимда омборда катта миқдорда рангли металлар ўмарилганлигини сезиб қолдим ва бу ҳақда тезда тегишли идораларга хабар қилиш кераклигини раҳбариятга айтдим. Ўз жиноятини «босди-босди» қилиш ниятида юрганлар эса мени ишдан бўшатишга муваффақ бўлишди. Мен «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмаси Бош директори Сервер Мемедович Томалакни ҳам бу ноқонуний ишлардан хабардор қилганимдан сўнг у мени ўз вазифамга тикланишимга кўрсатма берди. Аммо «Техтаъминот» ҳиссадорлик жамияти раиси Абдуҳамид Йўлбарсов бу кўрсатмани ҳали тўлиқ бажармади.

Ҳа, мен виждонимга хиёнат қилолмаганим учун бир қанча вақт ишсиз қолишимга тўғри келди. Тошкент вилоят прокуратурасида, Ангрен шаҳар прокуратураси ва судида ҳамда бошқа ҳуқуқий идораларда фаолият кўрсатаётган, қилни қирқ ёрадиган фидойи ҳуқуқшуносларнинг аралашуви билангина бу муаммолар ижобий ҳал этилди.

Тўғри, ҳақиқат қарор топди. Аммо адолатни тиклаш йўлида мен ва оила аъзоларим тортган асаббузарликлару кетган беҳуда вақт учун ким жавоб беради?

Ўйлайманки, Юртбошимизнинг ўтган ҳафта матбуотда эълон қилинган «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғриланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ўз нафси йўлида давлат мулкини талон-тарож қилишдан қайтмайдиган айрим нопок кимсаларга қарши курашишда, республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда қонун посбонларига дастуриламал, мен каби адолат истаб юрган инсонларга эса маёқ бўлиши шубҳасиз.

**Абдулла АЗИМОВ,**
**Ангрен шаҳри**

*Шу сонга хабар*

## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ТАЛАБ-ИСТАКЛАР КЎЗГУСИ

Яқинда Адлия вазирлиги фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси томонидан унинг жойлардаги гуруҳлари билан биргаликда семинар машғулот ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоят адлия бошқармаларидаги гуруҳлардан масъул ходимлар иштирок этди.

Машғулотни олиб борган фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А.А.Усмонов 1998-1999 йилларда келган шикоят ва аризалар таҳлили, уларни ҳал этишда йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар ҳақида тўхталиб, келгусида бу каби ҳолатларни бартараф қилиш ҳақида таклифлар берди.

Шундан сўнг «Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси ва унинг жойлардаги гуруҳлари» тузилишининг моҳияти, фаолият йўналишлари ҳақида бошқарма бош маслаҳатчиси Т.Ж.Тошпўлатов, Фуқаролар қабулини ташкил этиш, уларнинг таклиф, ариза, шикоятларни рўйхатга олиш, расмийлаштириш ва шунингдек, таҳлил масалалари юзасидан бошқарма бош маслаҳатчиси У.А.Атабаевлар маъруза қилдилар.

Шикоят ва аризаларни текшириш бўйича иш режаларини тузиш, текшириш натижалари юзасидан маълумотнома, хулоса ва жавоблар тайёрлаш тартиби бўйича бошқарма бош маслаҳатчиси С.Асророва ҳисобот берди.

Бундан ташқари семинар иштирокчилари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг суд ва адлия идораларида бажарилиши юзасидан қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди ва мурожаатлар билан ишлашнинг яхшиланиб боришидан фақат фуқаролар эмас, балки Давлат ҳам манфаатдорлиги, чунки фуқаролар мурожаати мамлакатнинг умумий аҳволини, фуқароларнинг фаоллигини, турмуш даражасини, эҳтиёжларини, талаб-истакларини кўрсатувчи кўзгу эканлиги таъкидланиб, келгусида бу борадаги ишларни такомиллаштириб бориш вазифалари тўғрисида фикрлашиб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

## «БОЖХОНАМИЗ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»



1-бет



*Суратларда: Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона коллежи ҳаётидан лавҳалар. Пастдан чапдаги суратда Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси 10-сонли «Дарё порти» божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати подполковниги, «Шуҳрат» медали соҳиби Жўра Бекматов набираси Байрам Оллабердиев билан.*

**Н.АЛМУРОДОВ** олган суратлар





*Бозор - юрт кўзгуси*

## ОБОД ВА ҲАЛОЛ МАНЗИЛ БЎЛИШИ КЕРАК

Ҳақиқатан ҳам бозорлар шаҳар ва қишлоқларимиз кўрки, халқ фаровонлиги кўзгуси ҳисобланади. Шу боис ҳам кейинги йилларда республика раҳбарияти бозорлар фаолияти, хизмат кўрсатиш маданиятини ривожлантиришга, яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимизнинг 1996 йил 5 мартдаги: «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва алоҳида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам шу ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир.

«Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамиятида нафақат вилоятимиз аҳолиси, балки қўшни Туркманистон, Қозоғистон Республикаларидан, шунингдек, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларидан келган деҳқонлар савдо қилишади. Бозоримизнинг 9,7 гектар майдони, 1117 та савдо ўрнини ҳисобга олганда, Буюк ипак йўли тасарруфидаги «Карвон бозори»дан сўнг иккинчи ўринда туради. Бу масканда бир кунда 15 мингдан ортиқ аҳоли ўзига зарур мева-сабзавотларни харид қилишади. Бозорда нафақат кийим-кечак, аксарият деҳқончилик, халқ ҳунармандчилиги ва тадбиркорлик маҳсулотлари сотилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоят ҳокимлиги раҳбарлари янгидан-янги қурилиш, ободончилик ишларига бош-қош бўлишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган қисқа даврда 360 ўринли 2 та янги сабзавот павильони қурилиб, фойдаланишга топширилди, савдо расталари қайта таъмирланди, қўшимча 500 та савдо пештахталари ишга тушди. Бу эса ўз навбатида харидор ва сотувчиларга кўпгина қулайлик туғдирди. Энг муҳими, савдо ва санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилиши таъминланди. Негаки, тозалик, озодалик бор жойда тартиб бўлади. Бу борада айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 майдаги «Санитария қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжтлар иш дастуримиз бўлмоқда. Шаҳар СЭС ходимлари, санитария-милиция ходимлари ушбу қонунга хилоф иш тутган қоидабузарларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаяптилар.

4-бет

*Ҳушёрлик, огоҳлик одатимиз бўлсин!*

## ЎСИМТАЛАР

***Тошкентда юз берган мудҳиш воқеалар садоси мана, орадан бир йил ўтибдики, қайноқ диллардан ўчмаяпти. Шу боисдан республиканинг барча ҳудудлари қаторида Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида ҳам огоҳликка даъват этувчи учрашувлар бўлиб ўтаяпти. Суд, прокуратура, ички ишлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нуронийлар, диний идоралар вакиллари, жамоатчилик фаоллари иштирок этаётган ушбу йиғилишлардан бирида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қатор моддалари билан айбланиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган Облоқул Саидов ва бошқаларнинг жиноий иши ҳақида қоралаб гапирилди. Ўзбекистоннинг келажаги, жамиятимиз равнақи, фарзандларимиз истиқболи, бахтли турмуши учун одамлар ҳушёр, сергак бўлишга даъват этилди.***

***Хўш, Облоқул Саидов ва бошқалар уюшган гуруҳининг мақсад-муддаоси нима эди? Нега уларнинг хатти-ҳаракатларидан хулоса чиқариш, ҳушёрлик зарурлиги таъкидланди?***

***Мухбиримиз вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Акбар Жамолиддинович АЗИЗОВ ҳузурида бўлиб, Облоқул Саидов ва бошқаларнинг уюшган жиноий гуруҳ қилмишлари ҳақида гапириб беришни сўради.***

- Агар одам танасидан ўсимта ўсиб чиқса уни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш, қуритишдан ўзга илож йўқ. Ургут шаҳрида яшовчи Облоқул Саидов, Рофе Умаров, Яндаш Умаров, Муҳиддин Мажидов, Тўлқин Мардоновлар тузган «халқа» жамиятимизга ёт ўсимтадан фарқ қилмайди. Ўхшатишимиз бачканадек туюлиши мумкин. Лекин бу бор ҳақиқат. Тўғри, иқтисодий, ижтимоий, умуман, барча соҳаларда ўзгаришлар қилаётган, саховатли, меҳмондўст, меҳнатсевар, Ватанга садоқатли Самарқанд юртида бундай ҳол камдан-кам учрайдиган фавқулодда ҳодиса. Шундай бўлса-да, жамиятимизга, Конституциямизга зид бу ҳолнинг биттаси ҳам кўплиги огоҳликка даъват этувчи йиғилишларда гапирилганлигига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз.

Мақсадга келадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг тўрт-беш асрлик тарихидаги энг буюк ҳодиса мамлакатимизнинг мустақилликни қўлга киритгани, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин топганидир. Халқимиз миллат сифатида қайтадан қад ростлади. Мустақилликнинг дастлабки йиллари ўтиш даврида юзага келган қийинчиликлардан фойдаланишга ҳаракат қилган қабиҳ ниятли кимсалар юртимизда ўн уч асрдан буён халқимиз амал қилиб келаётган диний эътиқодимизга раҳна солувчилар пайдо бўлиб қолди. «Ҳизбут таҳрирчилар», «ваҳҳобийлар» руҳиятимизга бутунлай ёт, мақсади аслида бузғунчиликдан иборат ғояларни тиқиштиришга уриндилар. Дунёқараши ҳали шаклланмаган, мустақил фикрга эга бўлмаган ёшларимизни йўлдан уриб, муқаддас Қуръони карим ва пайғамбаримиз ҳадисларида кўзда тутилмаган экстремистик ғояларни тиқиштириш, бу билан бирлигимизга, жипслигимизга путур етказиш, мамлакатимизда мавжуд давлат тузумини зўравонлик билан ўзгартириб, ўрнига қандайдир халифалик тузишни тарғиб қилдилар. Янада аниқроқ қилиб айтганда, уларнинг мақсадлари қабиҳ, ўта ғаразли. Муқаддас Ислом дини ва Қуръони карим номидан гапириб, уни ниқоб қилиб ҳокимиятни эгаллаш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланиб бораётган мамлакатимизни ўрта асрлар жаҳолатига, ибтидоийликка қайтариш эди. Бадкирдор кимсаларнинг ўтган йил 16 февралдаги «чиранишлари» халқ олдида қабиҳ ниятларини ошкор қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар билан фаолияти тақиқланган ва ҳокимият маҳкамалари томонидан расмий равишда қайд этилмаган «Ҳизбут таҳрир» ташкилотининг республикадаги бошлиғи, яъни «мутаъмади»си деб ҳисобланган Ҳафизулло Носиров унинг «мусоиди» Абдулҳамид Бекмуродов, вилоят минтақасининг «масъули» саналмиш ургутлик Маматқул Холмуродовлар Ургут шаҳрида яшовчи Муҳаммади (иккинчи исми Рустам) Умуровдан «ҳизб»дан «халқа»лар ташкил этишда, фаолиятни кенгайтиришда фойдаланганлар. М.Холмуродов ва М.Умуровлар шу шаҳарлик Облоқул Саидов, Рофе Умаров, Яндаш Умаров, Муҳиддин Мажидов, Тўлқин Мардоновлар билан яқиндан танишиб, уларни Ислом илмидан бохабар қилиш баҳонасида «Ҳизбут таҳрир»дан ўргатишган «Ислом Низоми», «Иззат ва Шараф сари», «Ҳизбут таҳрир тушунчалари», «Халифалик қандай тугатилган» каби заҳарга ботирилган китоблар ҳамда «Ал-ваъий» ойномаси сонлари, фуқаровий бўйсунмасликка чақирувчи варақаларни ўқитиш билан сабоқ беришган. Ўқишлар якунлангач, «Ҳизбут таҳрир» идоравий «қонуни»нинг 6-моддасига асосан уларни қасамёд қилдириб «ҳизб»га аъзоликка қабул қилишган.

Шундан кейин О.Саидов, Р.Умаров, Я.Умаров, М.Мажидов ва Т.Мардоновлар 1999 йил бошидан «Ҳизбут таҳрир» диний-сиёсий уюшмасининг мақсадларини амалга ошириш учун ҳомийлари - М.Холмуродов ва М.Умаровлар раҳнамолигида тузилган жиноий уюшманинг Ургут туманидаги бўлинмаларига раҳбарлик қилиб, «нақиб», «мушриф», «жиҳодга аъзолик» фаолиятларини бажарганлар. «Ҳизб»дан таълим олиб, қасамёд қабул қилган, киндик қони тўкилган юртда туз еб, тузлиққа тупурган кимсалар ўзларига ўхшаган сиёсий билими мўрт, келажакни кўришга ожизлик қиладиган ёшлардан «халқа»лар тузиб, «дорис»ларни ўқитишга киришганлар. Улар устозларидан «жиҳод» юзасидан ҳам таълим олишган.

**- Шу ўринда «жиҳод» ҳақида ҳам маълумот берсангиз?**

- «Ҳизбут таҳрир» диний-сиёсий уюшмасининг мақсади сиёсий кураш олиб бориб, гўё ислом маърифатини фуқароларга снгдириш, сўнгра фикрий кураш орқали ўз мафкурасини танитиш ва охир-оқибатда Ислом давлатини барпо этишдан иборат. Ана шу Ислом давлатини барпо этишда ҳар қандай тўсиқни йўқ қилиш «жиҳод» ҳисобланармиш. Борди-ю, фуқаролар Ислом давлатини қуришни амалга оширмаса, ҳокимлар Ислом асосида давлатни бошқармасалар уларга қарши қурол билан курашишга чақирилади. Мусулмон давлатларини ягона Халифалик байроғи остига бирлаштириш ва Исломни бутун оламга ёйишда «жиҳод»дан фойдаланишга даъват этилади. Бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмасликка, агар зарур бўлса шаҳид бўлишга ҳам чақирилади.

**- Диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик ғоялари билан суғорилган китобларни қаердан олишган? Уларни манбалар билан таъминловчилар бўлганми?**

- Тўғри ҳар бешала жиноятчи ўзлари ўқиган китобларни Маматқул Холмуродов ва Муҳаммади Умуровлардан олишган. «Дорис»лик муддати тугаб ўзлари «жиҳод»лик фаолиятларини бошлагач, таъқиқланган китобларни аллақайси «ковак»лардан келтириб тарқатиш билан шуғулланишган. Жумладан, Яндаш Умаров Муҳаммади Умуровнинг топшириғи билан Тошкент Отчопар бозорига боради. У ерда Абдулазиз исмли кимсадан «Ислом Низоми», «Ҳизбут уюшма», «Иззат ва Шараф сари», «Ҳизбут таҳрир тушунчалари», «Халфалик қандай тугатилган» китоблари ва «Ал-ваъий» ойномаси сонларини олиб келиб, М.Умуровга беради. Муҳаммади, яъни «ҳизб»чилар орасида Рустам номи билан отнинг қашқасидек таниқли Умуров янги тузаётган «халқа»ларга ушбу манбаларни пуллайди. Айримларига ўқиш учун бепул беради. Тошкентдаги воқеаларни эшитгач, Яндаш Умаров билан Муҳиддин Мажидовлар ўзлари истиқомат қиладиган «Гуслик» маҳалласи қабристонига ўз «адабиёт»ларини кўмиб қўйганлар. Жиноятчиларнинг бу ишлари - мазкур китоб ва ойномаларнинг жамиятимизга зарарли, қонун томонидан тақиқланганлигини билишликларидан далолат бериб турибди. Вилоят суди «ҳизб» ташвиқотчилари Облоқул Саидов, Рофе Умаров, Яндаш Умаров, Муҳиддин Мажидов, Тўлқин Мардоновларни қилмишларига яраша жазолади.

**- «Ҳизб» ташвиқотчиларининг раҳнамолари Маматқул Холмуродов билан Муҳаммади Умуровларнинг тақдири нима бўлди?**

- Тошкентдаги портлашлардан кейин иккаласи ҳам изсиз йўқолган. Қидирувда. Иссиқ уйларини ташалб қаерлардадир санғиб юргандир. Жавобгарликка тортилган «ҳизб»чилар ота-оналари, қариндошларининг Маматқул билан Муҳаммадидан қўллари тепасида. Ёшларни жиноятга бошлаб ўзлари сичқоннинг уйини минг тангага олгани ургутликларнинг қаҳр-ғазабини келтирган. Эл қарғиши - ўқ қарғиш. Айниқса, оналар қарғишига тош ҳам дош беролмайди. Ватанга хиёнат қилган кимсаларни қарғиш урмаслигига кафил бўлолмайсан. Бироқ айбни М.Холмуродов билан М.Умуровларга тўнкайвериш ҳам инсофдан бўлмас. Ахир, О.Саидов, Р.Умаров, Я.Умаров, М.Мажидов, Т.Мардоновларнинг ота-оналари, хонадонидагилар яқин кишиларининг давлатга қарши қўяётган қалтис қадамларини пайқамасликлари мумкинмиди?

Халқимиз ўз тўғри йўлини танлаган. Йўлбошчимиз атрофига мустаҳкам жипслашиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш учун асло толмайди. Адолатли фуқаролик жамияти жаҳон халқлари кўз ўнгида қад ростламоқда, шубҳасиз, у қарор топади. Ҳар биримиз тинчлик, осойишталик бебаҳо неъмат эканлигини ҳар дақиқа ҳис этиб яшайлик. Барчамиз фақат ва яна фақат огоҳликни, ҳушёрликни унутмасак, одатга айлантирсак бас. Шундагина орамизда жамиятга ёт ўсимталар пайдо бўлмайди.

**Суҳбатдош: Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» мухбири**



Ҳазратқул Бердиқулов Тошкент вилоят божхона бошқармаси 15-сонли «Ўратепа» пости бошлиғи бўлиб ишлаб, ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда.

Бу ерда ходимларнинг ишлаши, бўш пайтларини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган.

*Суратда: (чапдан иккинчи) пост бошлиғи Х.Бердиқулов бир гуруҳ божхона ходимларини кундалик матбуот материаллари билан таништирмоқда.*

**Н.АЛМУРОДОВ олган сурат**

# МАСЪУЛИЯТ

## ёхуд юксак ҳуқуқий билимли соғлом авлодни тарбиялаш хусусида

**(Боши 1-бетда)**

Шунингдек, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақириқ 1-сессиясининг биринчи мажлисида қилган маърузаларида: «...ёшларнинг ҳуқуқий онгли, маданиятли, ҳар томонлама юксак, соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши учун давлат аҳамиятига эга бўлган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш» зарурлигини алоҳида уқтирди. Ёшлар айниқса, ўсмирлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш бугунги кунда барча-барчанинг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари қатори суд ва адлия идораларининг ҳам зиммаларига улкан вазифалар юклайди.



Ангрен шаҳар суди ходимлари ёшлар тарбияси, айниқса, уларнинг билим олиши, жумладан, ҳуқуқий билим олишларининг аҳволини ўрганиш мақсадида шаҳар халқ таълими бўлими билан биргаликда шаҳардаги жуда кўп мактабларда учрашувлар ўтказди. Соҳа мутахассислари кўмагида ўтказилган бу тадбирлардан шаҳардаги ўсмирлар, айниқса, 8-11-синф ўқувчиларининг ҳуқуқий билимлари талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

Учрашувлар шуни кўрсатдики, шаҳар мактаблари, коллеж ва гимназия ўқувчилари қонунларни асосан манбалари кўрсатилмаган қўлланмалардан 0,3 фоиз, катталардан 11 фоиз, ота-оналардан 6 фоиз, суд ва ҳуқуқтартибот ходимларидан 5 фоиз, матбуот, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениелардан 9 фоиз, ўқувчилардан 2 фоиз, бир-бирларидан сўраб-суриштириб 0,2 фоиз ўрганишар экан. Бу кўрсаткич Ангрен шаҳар суди ходимларини ва шаҳар халқ таълими бўлими ходимларини қониқтирмади. Шу боис Ангрен шаҳар суди ходимлари ташаббуси билан аввало мактабларда, гимназияларда, ўрта ва олий ўқув юртларида учрашувлар, ҳуқуқий суҳбат-семинарлар ўтказилди. Улар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш аста-секин ўз натижасини кўрсата бошлади. Ўсмирлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар сезиларли даражада қисқара бормоқда.

Бироқ жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаб келган ўсмирлар ўртасида қайта жиноят қилиш ҳоллари яна сезиларли кўпайди. Бунга асосан ўсмирлар жазони ўтайдиган муассасалар маъмурияти айбдор эмасмикан? Чунки бу муассасалар жиноятга қўл урган ёшларни тарбиялаш, ижтимоий ҳаётга қайтариш, фойдали меҳнатга тайёрлашдек муҳим ишга талаб даражасида эътибор қаратмаётирлар. Оқибатда бу муассасалар жиноятчини ўзига хос маҳоратини оширадиган «мактаб»га айланиб қолаётир. Ҳолбуки, бу жой чинакам ахлоқ тузатиш мактаби бўлиши шарт эди. Қарияларимиз таъкидлаганларидек, ёмонлар осмондан тушмайдилар, балки орамиздан етилиб чиқадилар. Ҳамма ёмон ҳислатлар ҳам, яхши фазилатлар ҳам инсоннинг болалигидан оилада ва мактабда олган тарбиясидан бошланади. Жиноятчилик ҳам шундай.

Халқимизда бир ибора бор: бир болага етти маҳалла ота-она. Шундай экан, ўз-ўзини бошқариш муассасалари, қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари, мактаб муассасалари, болалар боғчаларида ёшлар тарбияси бугунги кун талаб даражасидами? Бу масалага нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари, балки барча-барчамиз масъулдирмиз. Маънавий соф муҳит бўлмаган оилада ёки маҳаллада ўсган болаларда кўпинча ёмон одатлар куртак отади. Шаҳардаги гавжум маҳаллалардан бирида Г.И. деган оила истиқомат қилади. Уларнинг беparволиги, маиший бузуқлиги, оиланинг дарз кетганлиги оқибатида бу оилада тарбияланаётган З. ва Г. исмли фарзандлари ҳам аллақачон жиноят кўчасига кириб улгурган. Айниқса, каттаси бир марта жиноят қилиб, «қамалиб» чиққанлар сафига қўшилган. Нега? Энди отаси ароқхўр, онаси хулқи бузуқ, акаси қароқчи бўлса, кичигидан нима кутиш мумкин?

Улар кўпдан бери бир дастурхон атрофида ўтиришмаса, бир-бирларига иззат-икром билдиришмаса, меҳмон кутиш, меҳмонга бориш нималигини тушунмаса, ундайларда инсоний удумлар, ахлоқ-одоб қаердан бўлсин? Оқибатда болалар Худодан ҳам, қонундан ҳам, ота-онадан ҳам, маҳалла-кўйдан ҳам тап тортмайдиган, иймон-эътиқодидан айрилган кимсалар қаторига қўшилиб кетган. Бу ерда ота-онанинг жавобгарлиги борми? Бор, албатта. Бундай ота-оналар билан ким ишлаши керак? Албатта, маҳалла қўмиталари, кўпчилик.

Ангрен шаҳар суди соғлом авлодни таркиб топтириш, болалар, айниқса, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида шаҳар халқ таълими бўлими билан биргаликда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Бу масала аввало, шаҳар суди ва шаҳар халқ таълими, мактабларнинг ўқитувчилари, директорлари, ҳуқуқшунослар билан биргаликда атрофлича муҳокама этилди. Шаҳар суди ва шаҳар халқ таълими бўлими «Ёшлар айниқса, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий билим ва маданиятни ошириш тўғрисида» қўшимча тадбир ишлаб чиқди. Ушбу тадбирга кўра шаҳардаги барча мактабларда, коллеж, олий ўқув юртлари, маҳаллалардаги аҳоли ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим ва маданиятни кенг тарғиб этиш мақсадида давра суҳбатлари, мулоқотлар, кўргазмали воситалар асосида баҳс-мунозаралар ўтказилмоқда. Мазкур қўшма тадбирнинг бажарилишини таъминлашга шаҳар суди раисининг муовини М.Ниёзов ҳамда шаҳар халқ таълими бўлимининг масъул ходими Р.Самадовлар масъул этиб тайинланганлар.

Ҳозир шаҳар мактаблари, олий ўқув юрти ва коллежларда олиб борилаётган суҳбатлар, учрашувлар, мулоқотлар ва бошқа семинар-кенгашларда асосий эътибор жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши биргалашиб курашиш, айрим диний-экстремистик руҳдаги ташвиқотга берилмаслик, ҳар томонлама маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий тарбияга эга бўлишга қаратилмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақириқ биринчи сессиясининг биринчи мажлисида қилган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» номли маърузасидан келиб чиқадиган долзарб масалалар мутахассисларимиз томонидан кенг тарғиб этилмоқда. Мулоқотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий сиёсат, янги давлат қурилишининг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги қонун мажмуалари ва қонуности меъёрий ҳужжатлари тўғрисида ҳам тўла тушунчалар берилмоқда.

Айни пайтда ўсмир ёшларга инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси тўғрисида, Оила Кодекси, Жиноят Кодекси, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Жиноят ижроия Кодекси ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг оқибатлари ва уларга қўлланиладиган жазо турлари ҳақида кенг маълумотлар берилмоқда. Бу тадбирларда тарбиячи-педагоглардан ташқари, шаҳар судининг етакчи мутахассислари, тажрибали юристлар А.Абдулазизов, А.Масидиқов, М.Юсупова, Ш.Хамзаалиев, Р.Исмоилов, З.Матазов ва бошқалар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар учрашув иштирокчиларининг саволларига ҳар томонлама илмий-амалий жавоблар бериб гина қолмай, балки уларда қонунларга ҳавас ва ҳурмат ҳисларини уйғотмоқдалар.

Амалга оширилаётган бу тадбирларимиз тўла бажарилиши учун қўшма буйруққа асосан йил давомида махсус жадвалга мувофиқ ўтказилиб борилади. Бу тадбирларга қўшимча равишда ёшларга қонун меъёрларини тўла тушунтириш, уларда қонунларимизга нисбатан ҳурмат ва эътиборни кучайтириш учун айрим суд мажлисларини бевосита мактабларда, маҳалла қўмиталарида, шаҳардаги ўрта ва олий ўқув юртларида ўтказилмоқда. Шаҳарнинг Қорабоғ, Соғлом, Оппартак қишлоқларида бўлиб ўтган ана шундай сайёр суд мажлислари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бундан кейин ҳам ана шундай ибратли ишларни давом эттираверамиз.

Аммо шуни таассуф билан айтамизки, айрим ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясини телевизор ва кинофильмларга, айрим бемаъни адабиётларга, расм-русумлар ихтиёрига ташлаб қўймоқдалар. Сиртдан детектив кўринган савиясиз, ҳаёсиз, ур-сурларга, отишмаларга, қон тўкишларга тўла чет эл кинофильмлари ёшлар тарбиясига, онгига, мурғак қалбига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Бундай фильмларни кассеталарда тарқатилишининг олди олинса-да, аммо телевизор экранларида ва кинотеатрларда намойиш этилишини таъқиқлаш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Шаҳар суди ва шаҳар халқ таълими бўлими билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирлар туфайли вояга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар сони кескин камаймоқда.

Жиноятга берилган баҳо инсонга берилган баҳо бўлолмайди. Бироқ ҳаётнинг равон йўлидан кўра сўқмоқлари кўпроқдир. Инсон дегани эса ўрганилмаган, ўрганиб улгурилмайдиган сирли дунёдир. Ёш авлод тарбияси ундан-да мураккаб. Ёшларимиз катта дунёни қуришга киришмоқдалар. Демак, дунёга дунёвий билим, ҳуқуқий етук, ҳар томонлама баркамол бўлиб бориш ундан-да яхшироқ. Шундай экан, жиноятни фош қилиш қанчалик мураккаб бўлса, ёш авлодни тарбиялаш ундан-да мураккаб. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари соғлом авлодни таркиб топтириш ишига қўл урар эканлар, аввало, ана шу жараёнга уларнинг ўзлари ҳам пухта тайёргарлик ва ғоятда эҳтиёткорлик билан киришмоқликлари шарт.

**Абдумалик ИРСАЛИЕВ,**
**Ангрен шаҳар судининг раиси**

*Аудитор сўз сўрайди*

# ЯНГИЛИК ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР

## ёхуд Сурхондарёда солиқ ходимлари томонидан аудит хизмати инкор қилинаётганлиги хусусида

Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ дунёнинг ривожланган давлатларидан ўрин олган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш талабларига қатъий амал қила бошлади, айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. Республикамиз вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг жойлардаги корхона ва ташкилотлари хўжалик ҳисобига ўтди, тадбиркорлик йўли билан қатор корхоналар ташкил этилди. Энг асосийси, хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятида давлат назорати бекор қилинди. Уларга ўз иқтисодини эркин ривожлантириш ҳуқуқи, шу билан бирга ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятни ошириш имконияти берилди.

1992 йилнинг 9 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги «Молиявий назоратни мустаҳкамлаш ва хўжалик фаолиятини молиявий назорат қилишнинг аудиторлик шаклларини қўллаш тўғрисида»ги қарорининг 2-банди билан юқори раҳбар идоралари бўлмаган барча корхоналарга, Республика Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонининг 5-банди билан эса вазирликлар, идоралар (Молия вазирлиги ва давлат солиқ қўмитасидан ташқари) концернлар, корпорациялар, ассоциациялардаги аввалги назорат-тафтиш хизматлари тугатилди ва тизимлардаги барча хўжалик юритувчи субъектларга молиявий фаолиятни таҳлил қилишнинг аудиторлик шаклларини қўллаш топшириқлари берилган эди. Бу қатъий топшириқларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонининг 1-бандида «...- аудиторларнинг ҳар йиллик <u>тегишли</u> (яъни текширув якунига асосланган) <u>хулосаларига</u> эга бўлган хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш назорат органлари томонидан (яъни мувофиқлаштириш комиссияси орқали), қоида тариқасида, ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади», дейилган.

Республикадаги барча хўжалик юритувчи субъектларни ҳар йили аудиторлик текширувига мажбуран тортиш фақатгина ва қатъий равишда солиқ идоралари зиммасига юклатилган ва бу Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 1996 йил 9 декабрдаги қўшма хатидаёқ ўз аксини топган эди. Аммо вилоятимиздаги солиқ ходимлари ўзларининг бу соҳадаги бурчларини нима учундир унутиб қўйганлар. Масалан, кўтараётган масаламиз бўйича 1999 йил 11 мартда вилоят ҳокимига йўлланган 120-сонли хатимизга вилоят давлат солиқ бошқармасининг 31 мартда жўнатилган 13-959-сонли жавоб хатида вилоятда фаолият кўрсатаётган 9774 та хўжалик юритувчи субъектнинг атиги 3529, яъни 36,1 фоизидан 1998 йилги ҳисоботи аудит хулосаси билан қабул қилинганлиги кўрсатилган. Бунинг тасдиғи сифатида вилоятда энг катта ва барча туманларда ўз филиалига эга бўлган «Ал-Ҳаким ат-Термизий» фирмаси ходимлари кучи билан ўтган йили бор-йўғи 579 та корхона ва ташкилотда аудиторлик текшируви ўтказилганини эслаш ўринлидир. Аввал ҳам, ҳозир ҳам Ангор, Бандихон, Денов ва Музработ туманларида йиллик ҳисоботларнинг қарийб барчаси аудитор хулосаларисиз қабул қилинаяпти, Термиз, Узун ва Шеробод туманларидан бошқаларида ҳам шундай ҳол ҳукм суриб келмоқда.

Ҳақли савол туғилади: Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси асосида солиқ ходимларининг асосий вазифаси солиқларнинг тўғри ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш экан, нега улар корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоб-китобларини текшириш ва тузатишда ёрдам беришга жисмонан имкониятлари йўқлигини билганлари ҳолда аудиторлик хизматини ёқтирмасликлари, таъбир жоиз бўлса, инкор қилишларининг бош сабаби нимада экан?

Фикримизча, бу муаммога солиқ тизимидагиларнинг аввало аудит хизматини тан олмасликлари, уларни ўзларининг энг яқин ёрдамчилари эмас, балки қандайдир «рақиб» сифатида тасаввур қилишлари олиб келаяпти.

Мисолларга мурожаат қилайлик: бу соҳада бурилиш бўлар, деган умидда 1998 йил 23 сентябрда вилоят давлат солиқ бошқармасига ёзган 254-сонли хатимиз умуман жавобсиз қолдирилди. Вилоят давлат солиқ бошқармасининг юқорида кўрсатилган 13-959-сонли жавоб хатида 6245 та корхона ва ташкилотнинг, 1998 йиллик ҳисоботини аудит хулосасисиз қабул қилинганлиги тан олинган ҳолда бошқарма бошлиғи Н.Ҳафизовнинг шаҳар ва туманлар солиқ инспекцияларига 1999 йил 6 апрелида юборган 13-1055-сонли топшириқ хатида: «Давлат солиқ идоралари <u>айрим</u> хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг 1998 йил йиллик ҳисоботларини аудитор хулосаси бўлмаган ҳолда қабул қилинганлиги аниқланди» деб туманлар бўйича бу ҳолат таҳлил ҳам қилинмаган. Айтиш керакки, вилоят давлат солиқ бошқармаси 1997 йилнинг 24 ноябрида шаҳар ва туман солиқ идораларига юборган 08/1-4055-сонли хатида ҳам барча хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботларнинг меъёрий ҳужжати сифатида ҳар йили бир марта аудит текширувларининг натижаси бўйича хулосаларини қабул қилишлари кераклигини топширган. Кўрапсизки, ижроси талаб қилинмаганлигидан бу топшириқ ҳам муаллақ қолиб кетган.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси юқоридаги 6245 та хўжалик юритувчи субъектда текширув ўтмаганлигидан аудитор фирмалар ҳар биридан ўртача 10 минг сўмдан хизмат ҳақи тушган тақдирда ҳам давлат хазинасига қўшимча қиймат солиғи ҳисобида камида 13 миллион сўм тушмаганлигида ўзлари бош айбдор эканликларини ҳис қилмаяптилар. Йўқса тегишли чоралар кўриш ўрнига юқоридаги 13-959 сонли хатда «Солиқ органлари аудиторлик идоралари учун хизмат кўрсатиш ҳажмини топиб берадиган, уларни иш билан таъминлайдиган идора эмас» деб ёзишармиди? Ўтган йили вилоят солиқ бошқармасининг 24 декабрдаги жавоб хатида «Мижозлар сафини республика, вилоят телевидениеси, радио идоралари орқали кўпайтиришимиз мумкинлиги» каби бизга «қимматли» маслаҳатлар берилган. Республика давлат солиқ қўмитаси ҳам аудиторлик хизматига бўлган муносабати билан вилоят бошқармасидан ўтса-ўтадики, қолишмайди. Вилоятимизда 1997 йилда 7700 та корхонада солиқ ходимларининг айби билан аудиторлик текшируви ўтказилмай қолганлиги ва ундан кўрилган зарар тўғрисида ёзган хатимизга «қонунчиликда корхона ва ташкилотлар аудиторлик текширувини хулосаларини ҳар йили молия-хўжалик ҳисоботлари билан топширишлари лозимлиги тўғрисида айтилмаган» деган жавоб олдик.

Кўриниб турибдики, аудиторлик хизмати бўйича Қонун, Фармон ва қарорнинг ҳаётга татбиқ қилинмаётганлиги биринчи навбатда вилоят давлат солиқ бошқармаси ва албатта, қўмита раҳбарларининг бу масалаларга умуман бефарқ қараётганликлари натижасидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиқ ходимлари юқоридаги ҳаракатлари билан аудиторлик хизмати бозори ҳамда вилоятдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти илдизларига болта ураётганликларини, хусусан, аудиторлар биринчи навбатда корхоналарнинг, қолаверса, ўзларининг ҳам яқин ҳамкори эканликларини тушунсалар яхши бўлур эди.

**Хуррам НОРҚОБИЛОВ,**
**«Ал-Ҳаким ат-Термизий» мустақил аудиторлик фирмаси бош директори**

*Бизга жавоб берадилар*

# ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Қашқадарё вилоят прокуратурасида «Инсон ва қонун» газетасининг 2000 йил 26 январ сонида чоп этилган «Текшириб чарчамаган «комиссия» сарлавҳали мақола ўрганилди.

Аниқланишича, «Қаршипарранда» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг молиявий хўжалик фаолияти ўтган йил октябр ойида «Ўзпаррандааудит» аудиторлик корхонаси томонидан текширилган. Текширишда ушбу жамиятнинг моддий жавобгар шахси Б.Қиёсовнинг жавобгарлигидаги моддий қийматлар ҳисобланганда 3947 кг. буғдой маҳсулоти камомади фош этилган.

Шунингдек, тафтиш материалларидан кўринишича, жамият балансидаги иссиқлик қувури сифатида фойдаланиб келинган 1765 м. трубалар яроқсиз деб топилиб, тўлиғича кесиб олиниб, шундан 185 м 1999 йил 17 июлдаги 175-сонли юк хати билан «Чорвадор» жамоа ширкат хўжалигига 304800 сўмга сотиб юборилган, 1580 м трубалар 2887500 сўмга баҳоланиб, 30.09.99 йил куни 369-сонли юк хати билан «Дунё М» ҳиссадорлик жамиятига омухта емга бўлган қарз эвазига берилган.

Қарши шаҳар прокуратураси томонидан ушбу ҳолат юзасидан жорий йилнинг 24 феврал кунида жамиятнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

**К.ҒАНИБОЕВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси**

# ПРОТЕСТ КЕЛТИРИЛДИ

«Инсон ва қонун» газетасининг 2000 йил 1 феврал сонида чоп этилган «Анойи эмас экан» мақоласида баён этилган ҳолатлар вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишини назорат тартибида ўрганиш, алоҳида шахслар билан суҳбатлашиш йўли билан текширилди.

Мазкур ишни ўрганишда суд томонидан процессуал қонун меъёрлари бузилган деб топилиб, шаҳар судининг 1999.11.26 кунги ҳукмини бекор қилиш ҳақида вилоят прокурори томонидан вилоят суди Раёсатига назорат тартибида протест келтирилди.

Текшириш натижаси ҳақида ариза муаллифларига ёзма равишда жавоб берилди.

**Т.УМАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

# БАХТСИЗ ТАСОДИФНИ ЧЕТЛАБ ЎТАЙЛИК

***Фалокат оёқ остида, дейди халқимиз ва бу ҳикматда эҳтиётсизлик юзасидан келиб чиқадиган бахтсиз ҳодисалардан доимо огоҳ бўлишга даъват бор. Айни кунларда республикамизда шу йилнинг 1 март кунидан 31 март кунига қадар «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойи» тадбири ўтказилаётир. Жойларда бу тадбир қандай амалга оширилмоқда. Сирдарё вилояти, Ширин шаҳар ички ишлар бошқармаси ДАН бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти Абдуқаюм ҚОДИРОВ бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди.***



- Албатта, бизнинг фаолиятимиз бир ёки икки ойлик тадбир билан чекланмайди. Март ойи мобайнида ўтказилаётган тезкор тадбир бизнинг йил давомида қилган саъй-ҳаракатларимизнинг ўзига хос имтиҳони, синови дейиш мумкин. Хўш, бу синовнинг моҳияти нимадан иборат? Бу саволга биз йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтган ойларда аҳоли орасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишларимиз, автохўжаликларда, хусусий автомобил эгалари орасида ўтказиб келинган назоратнинг изчил ва самаралилиги билан жавоб бериш мумкин.

Маълумки, бизнинг шаҳримиз қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош, демакки, қатнов, транспорт воситалри ҳаракати бошқа жойлардагидан сероб ва бу ҳолат ходимларимиздан алоҳида фаолликни талаб қилади. Айни пайтда ҳудудимизда қўшимча ДАН ва милиция масканлари ташкил этилган, улар барчаси замонавий техника ҳамда алоқа воситалари билан таъминланган. Шаҳар ҳудудидаги йўллар муттасил равишда мавсумий кўрикдан ўтказиб келинади, сунъий иншоотлар, темир йўл кесишган жойлар доимо назоратимизда. Бу ҳаракатлар хавфсизликнинг олдини олишга омил бўлмоқда.

Бироқ айрим фуқароларимиз томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши, баъзи бир ҳайдовчиларнинг бу қоидаларга риоя қилмасликлари хунук оқибатларга ҳам олиб келаётган ҳолатлар йўқ эмас. Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган йил давомида ички ишлар бўлими ДАН ходимлари томонидан 4055 та қоидабузарликлар аниқланган ва шундан 2284 таси хавфли қоидабузарликлар сирасига киради. Табиийки, булар юзасидан амалдаги

**_Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги_**

қонунлар асосида маъмурий тартибда тегишли чоралар кўрилди.

Газетхонларни мазкур қоидабузарликлар қандай сабабларга кўра рўй бергани қизиқтириши табиий. Бу ўринда ҳам мен таҳлиллардан келиб чиқиб, айрим фактларни келтиришни лозим, деб ўйлайман. Хусусан, юқорида келтирилган умумий маълумотдан келиб чиқсак, қоидабузарликлардан етмишдан ортиғи маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш оқибатида рўй берган бўлса, мингга яқини тезликни ошириш ва бирбирини қувиб ўтиш пайтида юз берган.

Биз содир этилган ҳар бир йўл транспорт ҳодисасини ходимларимиз билан чуқур таҳлил қилиб, шу асосда ўз фаолиятимизни қайси йўналишларга кўпроқ қаратишимиз зарурлигини белгилаб оламиз, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқамиз. Шунингдек, ходимларимизнинг иш фаолиятларини муайян жадвал солиб, уларни хизматини ўтаётган пайтда ошкора ва яширинча тарзда текширувларда ўтказиб турамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги фармойиши ҳамда Республика Ички Ишлар Вазирлиги томонидан тасдиқланган режа асосида жорий йилнинг 1 мартидан 31 мартига қадар «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойи»ни кўнгилдагидек ўтказиш ҳар биримизнинг зиммамизга масъулият юклайди. Фақат йўлларда эмас, балки халқ ичига кириб, жойларда тарғибот ишларини кучайтириш бахтсиз ҳодисалар олдини олинишининг энг ишончли йўли экани иш тажрибамиздан маълум. Шунга амал қилиб ходимларимиз шу кунларда ташвиқот ишларига катта эътибор қаратишган. Бундай тадбирлар шаҳардаги Беруний, Жонибеков ва Ҳамза номидаги ўрта мактабларда, энергоколлежда, маиший хизмат касб-ҳунар коллежида, бир қатор автохўжаликларда, савдо, маиший соҳа шахобчалари ҳамда тиббиёт масканларида ўтказилди.

Мен имкониятдан фойдаланиб, барча фуқароларимизни яна бир бор йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишларини илтимос қилардим. Бизнинг ҳаётимизга хавф соладиган тасодиф кутилмаганда рўй беради, озгина лоқайдлик, шошма-шошарлик, бефарқлик бир умр афсус чекиб юришга, ҳатто умрга зомин бўлиши мумкинлигини унутмайлик, азизлар!

**Абдуқаюм ҚОДИРОВ,**
**Сирдарё вилоят Ширин шаҳар ДАНБ бошлиғи**

***Суртада: (чапдан) шаҳар ДАНБ бошлиғи А.Қодиров йўл-патрул хизмати нозирлари Рашид Қулбеков, Бахтиёр Жўраевлар билан суҳбатлашмоқда.***

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

*Ислоҳот одими*

# ҒУРУР

**Маълумки, 1995 йилнинг 1 январидан бошланган йирик сиёсий тадбир, яъни паспорт ислоҳоти 2000 йилнинг 1 январига қадар давом этиб, ана шу вақтдан эътиборан собиқ иттифоқ паспорти муомаладан тўлиқ тўхтатилиши кўзда тутилган эди. Хўш, бу борада жойлардаги масъул идоралар, жумладан, ички ишлар бошқармалари бўлимларининг мутасадди ходимлари қай тарзда фаолият кўрсатишаётир? Биз ушбу масалада Бухоро вилояти Шофиркон туман ички ишлар бўлими пасорт столи бошлиғи, милиция майори Шерали Қурбонов билан учрашиб, қуйидагиларни ёзиб олдик.**





- Дарҳақиқат, турли миллатга мансуб 130 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туманимизда аҳоли деярли юз фоиз мустақил давлатимиз паспорти билан таъминланиб, эски паспортлар аллақачон муомаладан тўхтатиб қўйилган. Паспорт ислоҳоти тадбирини яхши якунлашда инспектор ходимларимиз, фуқаролар йиғинлари ва корхона, ташкилот раҳбарлари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилар жамоаси ва туман ҳокимлигининг паспорт ислоҳотини ўтказиш комиссиясининг хизматлари катта бўлди. Бу борада меҳнат жамоаларида, мактабларда, фуқаролар йиғинларида, қишлоқ ва маҳаллаларида йиғилишлар ўтказдик, оммавий ахборот воситаларидан кенг кўламда фойдаланган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини яхши йўлга қўйдик ва бу ҳаракатларимиз ижобий самара берди. Бироқ тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам кор қилмаган баъзи бир тумандошларимиз дастлаб тадбирга совуққонлик билан қарашди, уларни айримлари жарима тўлаганларидан сўнг масаланинг муҳимлиги кўпчиликка аён бўлди. Шу ўринда мен «Милиция халқ билан кучлидир» деган иборани эсламоқчиман. Зеро, паспорт ислоҳотида бизга фуқаролар йиғинлари раҳбарлари Р.Рўзиев, Б.Ҳамроев, П.Жумаев, С.Назаров, мактаблар директорларидан М.Шарипов, И.Исоев, туман МТП ҳиссадорлик жамияти раиси Ш.Алиқулов, инспектор ходимларимиздан Т.Ҳамроев, А.Неъматов, Б.Солиев, М.Мустақимов, қўриқлаш бўлинмаси катта нозири Р.Аҳмедов, туман ИИБ катта терговчиси Р.Шодиевлар яқиндан туриб жуда яхши ёрдам беришди.

Бизнинг ишлашимизга шароит яратиб бераётган, ҳамиша биз билан бир сафда туриб, ижобий натижаларга эришишимизга кўмаклашаётган туман ИИБ бўлими бошлиғи, милиция майори Х.Чориев хизматини алоҳида таъкидлашни истардим. Энг муҳими, асрий армонлари ушалган мустақил юртнинг озод фарзанди эканлигимиздан ҳамда ўз фуқаролик ҳужжатимиз — паспортимиз борлигидан ғурурланиб, тобора жаҳонга танилаётган Ватанимиз равнақига ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшадиган пайт келди.

**Суҳбатдош:**
**Шавкат НОСИРОВ**

# «БОЖХОНАМИЗ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

**деди Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Бекмурод ҚОДИРОВ**

*Хизмат тақозоси ила кўплаб раҳбарлар билан суҳбатлашганман. Уларнинг аксарияти бошлиқ сифатида амалга ошираётган ишлари, ютуқлари, кўрилаётган чора-тадбирлар, ўзининг қаттиққўллиги-ю, талабчанлиги ҳақида мароқ билан гапиришган. Бироқ ўз ходимлари ҳақида уларнинг ютуқ ва қувончларидан ташқари, ташвиш ва аламлари ҳақида куюнчаклик билан сўзлаб, ўзи ҳақида кам гапирадиган раҳбарга кўпам дуч келмаганман. Суҳбатдошимиз Бекмурод ҚОДИРОВ қаттиққўл, талабчан ва айни пайтда ходимларининг ҳар бири учун меҳрибон, жонкуяр раҳбарлардан эканлигининг шоҳиди бўлдим.*

*Қанчалик уринмай, у киши ўзи ҳақида эмас, балки кўпроқ ходимлари ҳақида, уларнинг фидойилиги, жонкуярлиги хусусида жўшиб ҳикоя қилди.*

**Шу ўринда суҳбатдошимиз ҳақида қисқача:**

**Бекмурод Қодиров оддий қишлоқ фарзанди. 1950 йилда туғилган. У ўрта мактабни битириб, 1966-71 йиллар Москва Давлат Педагогика институтининг Рус тили ва адабиёти факультетида ўқиган. 1975-80 йиллар Республика Ички Ишлар вазирлиги Олий милиция мактабида ўқиб, ҳуқуқшунос бўлди. 1985-87 йилларда собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқиб, ҳуқуқшунос — ҳуқуқ-тартибот соҳасида бошқарувни ташкиллаштириш ихтисослигини эгаллади. Сўнг Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, 1997 йилда Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. Уч ўғил, уч қизнинг отаси, етти набиранинг бобоси.**

**Унинг бахтли кунлари: қишлоқнинг бир бурчидан бориб, ўз кучи билан Москвадаги институтга, яна рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирган кун. 1987 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти билан юзма-юз мулоқотда бўлган, раҳбарликка ишонч билдирилган, камтарин хизматлари юксак баҳоланиб, мукофот олган ҳамда бобо бўлиб набира кўрган кунлардир.**

**Аламлари: уч нафар божхона ходимининг бевақт вафоти.**

*Яна бир гап: Республика Давлат божхона қўмитаси тизимида хизмат қилаётган фидойи божхоначилардан мамлакатимиз бўйича 34 нафари давлатимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлишган бўлса, улардан 10 нафари фақат Сурхондарёдан эканлиги эътиборга лойиқ ҳол.*

**- Бекмурод Нормуродович, Сиз Президентимизнинг 1999 йил 13 январ Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирландингиз. Бу албатта, Сизнинг саъйи хизматларингизга берилган юксак баҳодир. Мукофот муборак!..**

- Раҳмат. Аммо бу мукофот фақат менга эмас, балки давлатимиз моддий бойликларини, чегара ҳудудларини, иқтисодий хавфсизлигини, ички бозорни ҳимоя қилиш йўлида, халқ истеъмол молларини чегарадан ноқонуний ташиб кетилишига, гиёҳвандлик, психотроп моддалар, қурол-яроқ, ўқ-дори ва турли экстремистик руҳдаги адабиётлар кириб келишига қарши кеча-ю кундуз, қишин-ёзин, иссиқ-совуқ демай, кези келса жонини ҳам аямай меҳнат қилаётган ҳар бир ходимимизга берилган олий мукофот деб биламан.

Шу мақсад йўлида жонини фидо қилиб, болалари оталик, ота-оналари фарзандлик, турмуш ўртоқлари севиклик ёр меҳридан бебаҳра қолган йигитларнинг оилаларига берилган мукофот деб биламан. Шу улуғ айём кунлари қурбон бўлганларнинг хизмат бурчига садоқатини, кўрсатган жасоратини ёд, руҳларини шод этсак, диёнат ва адолатдан бўлади.

Эндигина 25 баҳорни қаршилаган 6-сонли «Гулбаҳор» божхона маскани инспектори, божхона хизмати сержанти **Равшан Пўлатович Қодиров** 1994 йил 3 феврал куни жиноятчилар қўлида ҳалок бўлди. У 1969 йил 16 апрелда Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани Сачак қишлоғида туғилган. Ҳарбий хизматни ўтаган. Тақдирни қаранг, шундоққина чегарада 4 тонна бензин юкланган «ЗИЛ-130» автомашинаси божхона постида тўхтатилиб, ҳужжатлари текшириб кўрилаётганда, кутилмаганда... қуролли кишилар машинани қўйиб юборишни талаб қилишади. Акс ҳолда отиб ташлаш билан дағдаға қиладилар. Вазиятни тўғри, тезкор баҳолай билган божхоначилар жиноятнинг олдини олишга, жиноятчиларни қўлга туширишга интиладилар. Аёвсиз отишма бошлашади. Шу пайт ҳайдовчи юк билан машинани олиб қочмоқчи бўлади. Халқ ризқини юлқиб кетмоқчи бўлган жиноятчини ва машинани тутиб қолиш учун Равшан кабинага отилади. Тенгсиз олишувда жиноятчилар ўқидан ҳалок бўлади. Жиноятчилар эса қўлга олинади.

Равшан Қодиров вафотидан сўнг Президентимиз Фармонига мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланди. У божхонада эндигина иш бошлаган эди. Дунё-дунё орзу-ҳаваси бор эди.

1998 йил 17 феврал куни эса соат кечки 19 лар чамаси Туркманистон Республикаси чегарасида жойлашган 8-сонли «Оқтош» божхона постида ўз хизмат вазифасини бажариб турган божхона хизмати лейтенанти **Ботир Маматқулович Давлатов** жиноятчининг ўқидан вафот этди. Бир неча ки-

1

шининг умрига зомин бўлиб келаётган бу қуролланган кимса Туркманистон ҳудудига ўтиб кетишга уринади. Эндигина 28 баҳорни (1973 йил 13 февралда туғилган) қаршилаган Ботир Давлатов яна ўнлаб кишиларнинг умрига зомин бўлгувчи бу қуролли газандани шу ерда тўхтатиб қолди. У ўз хизматига масъулият, бурчига садоқат билан қаради. Ботирнинг ёлғизгина қизи Сабогул Маматқул бобо билан Ҳайитой момога, унинг турмуш ўртоғи Гулбаҳор Давлатовага ёдгорлик бўлиб қолди.

Ботир Шеробод тумани, Пашҳурт қишлоғида туғилганди. Унинг номини абадийлаштириш учун туман ҳокимлиги шу ҳудуддаги мактаблардан бирига Ботир Давлатов номини бериш масаласини ҳал этмоқда. 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ марҳум Ботир Давлатов «Жасорат» медали билан мукофотланди.



2-сонли «Сариосиё» божхона назоратини ўтказиш комплекси «Чақар» божхона пункти катта инспектори, божхона хизмати катта лейтенанти марҳум **Тўхтамиш Қосимович Холлиев**нинг ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат бўларли. Тажрибали божхоначи ўнлаб ёшларнинг устози, икки ўғил, икки қизнинг отаси, набираларининг азиз бобоси эди.

Т.Холлиев 1949 йил 17 августда Жарқўрғон туманида туғилган. 1973 йил Термиз Педагогика институтини тугатган. У тажрибали божхоначигина эмас, ажойиб тарбиячи ҳам эди. Т.Холлиев 12-сонли «Жарқўрғон» темир йўл бекати божхона постида катта инспектор лавозимида ишлаб, ўз хизмат ҳудудидаги сир-синоатни, тезкор ҳолатни яхши ўрганган эди. Шу боис биргина 1998 йилнинг ўзида 23 ҳолат бўйича умумий қиймати 23 миллион 200 минг 661 сўмлик моддий товар бойликларни давлат ҳисобига мусодара қилди. У аниқлаган ҳолатлар юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди. Тергов ва суд органларидан қочиб, қидирувда юрган бир неча жиноятчини ушлади. 1999 йилнинг 1-чорагида бир ҳолат бўйича 574 минг сўмлик 8 тонна лимон, иккинчи ҳолат бўйича 855 минг сўмлик 36 тонна рангли металл республикамиз ҳудудидан транзит ҳолда ғайриқонуний ўтказилаётганлигини аниқлаб, ҳар икки ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатган эди. 1999 йил 27 апрел куни эса кеч соат 17 лар чамаси Т.Холлиев Сариосиё тумани «Сўфиён» жамоа хўжалиги орқали Тожикистон Республикасига ўтадиган айланма йўлларда хизмат вазифасини бажариб юрган эди. У Тожикистон Республикаси томон кетаётган шубҳали «Дамас» русумли автомашинани кўриб қолади ва уни тўхтатиб, божхона кўригидан ўтказишни талаб қилади. Сири ошкор бўлишдан қўрқиб қочиб кетмоқчи бўлган ҳайдовчининг йўлига Т.Холлиев мустаҳкам ғов бўлади. У машинадаги катта миқдордаги товар моддий бойликларни сақлаб қолишга интилади. Олишув пайтида қуролланган жиноятчидан олган кўплаб оғир тан жароҳатлари билан касалхонада вафот этади. Жиноятчи қилмишига яраша қонуний жазосини олди.

Тўхтамиш Холлиев кўп йиллик самарали меҳнатлари, мустақил юртимизнинг моддий товар бойликларини сақлаб қолиш, ички бозорни ҳимоялаш, чегараларимиз дахлсизлигини, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати, миллий хавфсизлигини таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, фидойи ва мардлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра 2-даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди. Тўхтамиш Холлиевнинг бир ўғли бугунги кунда Тошкент божхона коллежида ўқимоқда. У ота касбини давом эттирмоқчи.

Биз бундай фидойи ҳамкасбларимиз билан ҳамиша фахрланамиз. Уларнинг хотирасини унутмаймиз. Ходимларимиз марҳум касбдошларининг оилалари, фарзандлари аҳволидан ҳар йили, ҳар байрамда узлуксиз хабар олиб, моддий ва маънавий кўмак бериб турибдилар.

**- Бекмурод ака, вилоят божхона бошқармаси 1999 йил давлат бюджетига 386 миллион 195 минг сўмдан зиёдроқ маблағ ўтказганлигининг ўзи ходимларингиз қандай ишлашаётганлигидан далолат, албатта...**

- Республикамиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, товар моддий бойликларни, айниқса, халқ истеъмол молларини божхона чегараларидан ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олишга ҳамда бож-

2

хона фаолиятини тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг амалда бажарилишини таъминлаш, мамлакатда ягона божхона сиёсатини амалга ошириш, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, қурол-яроқ, турли экстремистик руҳдаги адабиётларни ноқонуний кириб келишини олдини олиш, давлат бюджетига бож тўловларининг ўз вақтида тушишини таъминлаш божхоначиларимизнинг асосий вазифасидир.

Далилларга эътибор беринг. 1999 йил давомида жами 422 та ҳолатда товарларнинг тахминий қиймати 38 миллион 275 минг сўмдан зиёдроқ бўлган озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотлар ва бошқа турдаги товар моддий бойликларни ҳамда 3400 АҚШ долларини ноқонуний равишда олиб кетилишининг олди олинди ва товарлар давлат фойдасига мусодара қилинди. Умумий қиймати 69 миллион 636 минг сўмлик озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотлар, шундан 11 тоннадан зиёдроқ ун, 4 тоннадан зиёдроқ шакар, 4 тоннага яқин ўсимлик ёғи, 582 килограммдан ортиқ нон маҳсулотлари, 10 тоннага яқин чой, 7 тоннадан ортиқ қуруқ сут, 24 бош чорва моллари, 9046 дона хўжалик совунлари, 6 тоннадан кўп қандолат маҳсулотлари ва бошқа 14 тоннадан зиёдроқ кундалик эҳтиёж учун зарур товар моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарларни экспорт қилишни мувофиқлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 4 сентябр, 25 ноябр, 23 декабрдаги қарорлари талаблари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида 270 литр мева-сабзавот ичимликлари, 18 минг 468 литр бензин ва бошқа турдаги товар моддий бойликларни республикамиз ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олди олинди.

Шунингдек, республикамиз ҳудудига ноқонуний равишда акциз маркаларисиз ва акциз солиқларини тўламасдан олиб келинаётган 405 литр спирт, 2840 литрдан ортиқ спиртли ичимликлар ҳамда 22926 пачка тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди. 94 ҳолатда 2222 килограммдан зиёд гиёҳвандлик моддалари, 12 ҳолатда 7 та ўқ отиш қуроли, 667 дона жанговар ўқ-дори ва 5 дона портловчи моддалар олиб ўтилишининг пайи қирқилди.

Ўтган йили жами 570 та контрабанда, божхона қонунчилиги бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари божхоначиларимиз томонидан аниқланди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан 432 та маъмурий иш ва 102 та жиноят иши қўзғатилган, 35 та ҳолат юзасидан тўпланган материаллар юзасидан қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, шундан 29 таси бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

**- Ўзбекистонда — 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Аммо ўз жиғилдони, ҳаром бойлик орттириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмаётган турли давлатлардаги наркобизнесчилар, на авлод соғлиғини, на юрт тинчлигини ва на жиноятчиликнинг олди олинишини назар-писанд қилмаяптилар. Улар аср вабоси бўлмиш гиёҳвандлик моддалари орқали бойиб қолиш учун нарко бозорни қизитмоқдалар. Шу мақсадда бундай моддаларни минг турли йўл ва усуллар билан бўлса-да, чегарадан-чегарага, давлатдан давлатга ташиш йўлларини қидирмоқдалар. Шундай эмасми?**

- Сурхон воҳаси Тожикистон Республикаси, Афғонистон Ислом давлати ва Туркманистон Республикаси билан чегарадош. Айниқса, Тожикистон ва Афғонистон давлатларидаги можаролардан фойдаланиб, катта даромад орттирмоқчи бўлган наркобизнесчилар ҳақиқатан ҳам ҳар хил усуллар билн вилоятимиз чегаралари орқали гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб ўтишга уринмоқдалар. Ана шундай географик қулайликлардан халқаро наркобизнесчи гуруҳлар фойдаланиб қолишга интилаётганлиги сир эмас.

Бундай ҳолга вилоятимиз божхоначилари ўз тажрибаларини билим ва изланишларини, матонат ва садоқатларини сафарбар этиб, қаттиқ курашмоқдалар. Ўтган йили бошқармамиз ва жойлардаги шахсий таркиб томонидан гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ташишнинг 94 ҳолати аниқланди. 2222 килограммдан зиёд гиёҳвандлик моддаларини, шундан 105 килограммдан зиёд героин, 1937 килограммдан ортиқ опий, 178 килограммдан зиёд гашиш, 2

3

килограммга яқин марихуана ушлаб қолинди. 82 ҳолат бўйича бошқарма томонидан 29 ҳолат бўйича бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноий иш қўзғатилди, қолган материаллар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳолатларни содир этувчиларнинг кўпчилиги темир йўл транспорти ва йўловчи машиналарда, қўл юклари орасида, устки ва ички кийимларида, фуқаролар ошқозонларида яширин равишда транзит тариқасида Тожикистон Республикасидан Мустақил Ҳамдўстлик давлатларига ва Европа мамлакатларига олиб ўтмоқчи бўлганларида Тожикистон чегарасидаги 2-сонли «Сариосиё», 3-сонли «Сариосиё», 4-сонли «Термиз», 14-сонли «Болдир» темир йўл божхона постлари ходимлари томонидан ушландилар.

Ўтган йили 27 январ куни 2-сонли «Сариосиё» божхона пости бошлиғи, божхона хизмати майори Хидирқул Исломов, шу пост смена бошлиғи, божхона хизмати лейтенанти Нурали Эшмўминов, божхона хизмати кичик лейтенанти Баҳром Маҳмадиев, божхона хизмати катта лейтенанти Баҳром Шоҳимардонов, божхона хизмати старшинаси Ашур Донаев ва Миллий Хавфсизлик Хизмати ходимлари билан ҳамкорликда Тожикистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси орқали Россия Федерациясининг Красноярск шаҳар бозорига транзит бўлиб кетаётган давлат рақами 13-20 НБН «КамАЗ-5320» русумли автомашина божхона назоратидан ўтказиш учун тўхтатилди. Божхоначиларимиз «Рекс» лақабли хизмат ити ёрдамида кўрикдан ўтказилган бу машинада 360 дона яшикка жойланган 8 тонна лимон орасида целофан пакетларга ўралган ҳар хил оғирликдаги 510 ўрамдан иборат жами 715 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси борлигини аниқлашди. Унинг 51 килограммга яқинини героин, 591 килограммини опий, 73 килограммдан зиёдроғини гашиш ташкил этади.

15 апрел куни эса 3-сонли «Сариосиё» темир йўл божхона маскани катта инспектори, божхона хизмати катта лейтенанти Рамазон Шокиров, инспекторлар - божхона хизмати лейтенантлари Шайдулла Тўраев, Суҳроб Турсунбоев ва Исмоил Раҳимовлар «Амур» лақабли хизмат ити ёрдамида, шунингдек, Миллий Хавфсизлик Хизмати ходимлари, қўшни ҳарбий қисм ходимлари, «Сариосиё» темир йўл бекати юк қабул қилувчиси Ҳ.Азизов ҳамда Э.Йўлдошевлар билан биргаликда Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳридан транзит бўлиб, Россия Федерацияси Приморье ўлкаси Уссуриск шаҳрига кетаётган поезд состави вагонларидан биридаги 3000 килограммлик контнейрни кўздан кечиришади.

Контнейр ичидаги ҳар хил уй жиҳозлари диққат билан кўрикдан ўтказилганда контнейрда мавжуд бўлган уй мебеллари, диван ва креслоларнинг ичидаги пружиналари орасига целофан халталарга жойланган, атрофлари сариқ скоч изолентаси билан ўраб маҳкамланган жами 68 бўлакдан иборат 128 килограммдан зиёд опий ва 2 килограммдан ортиқ героин гиёҳвандлик моддаси топилди.

Яна бир ҳолат. 3 май куни юк вагонига юкланган 3, 2 ва 1 литрли томат пастаси солинган бир неча юз банка идишлари божхона кўригидан ўтказилди. Банкадаги томат пасталари орасида паста рангига ўхшаш матоларга ўралган жами 472 килограммдан ортиқ гиёҳванд моддаси олинди. Унинг 2 килограммдан ортиғини героин, 457 килограммдан кўпроғини опий, 14 килограммга яқинини гашиш ташкил этади.

Бошқа бир мисол. Ўтган йил 6 ноябр куни 2-сонли «Сариосиё» божхона пости ходимлари бош инспектор, божхона хизмати капитани Қўзимурод Мингноров, инспекторлар - божхона хизмати лейтенанти Панжи Ёқубов, божхона хизмати сатршиналари Комил Раҳимов, Жуманазар Эшмуродов, инспектор-кинолог Аҳмад Абдуназаровлар ўзларига бириктилган «Спойн» лақабли хизмат ити ёрдамида ҳамда Республика Миллий Хавфсизлик Хизмати Сурхондарё вилояти бошқармаси Узун тумани туманлараро бўлими ходимлари ҳамкорлигида Тожикистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси орқали Россия Федерациясига транзит бўлиб кетаётган прицепли «КамАЗ-5410» русумли, давлат рақами 89-49 ЛБМ автомашинаси божхона назоратидан ўтказиш учун тўхтатилади. Мазкур автоуловга 500 та яшикка жойланган жами 18 тонна лимон ортилган бўлиб, шу яшиклар ичига яширилган жами 251 та ўрамдаги 402 килограммдан ортиқ гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Унинг 4 килограммга яқинини героин, 378 килограммдан ортиғини опий, 20 килограммдан ортиғини гашиш ташкил этади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шунча катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини ушлаб қолишда ходимларимизнинг ҳар бири алоҳида фидойилик кўрсатишмоқда. Уларнинг сезгирлиги, ўзига хос тажрибага эга эканликлари, изланувчанлиги мана шундай натижаларимизнинг омили бўлмоқда.

Биз юқорида таъкидлаган мисоллар ходимларимиз амалга ошираётган ўнлаб ишлардан айримлари, холос. Улар юртимиз бойлигини, тинчлигини, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда бошқа мамлакатлар аҳолисининг соғлигига, зуриёдига, заҳри қотил етказадиган зиён-заҳматлардан асраб қолиш йўлида ҳам тинмай меҳнат қилишаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мен божхонамизнинг ана шундай ҳар бир фидойи ходими билан ҳамиша фахрланаман.

**Суҳбатдош:**
**Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,**
**«Инсон ва қонун» махсус мухбири**

4

---

*Сизлар одамларни молу дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очиқ юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишларингиз мумкин.*

*Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса хафа бўлсангиз, демак, сиз ҳақиқий мўминдирсиз.*

**ҲАДИСдан**

---



*Тошкент шаҳридаги «Самарқанд» шоҳ автобекатини билмайдиган йўловчилар, ҳайдовчилар бўлмаса керак. Бу жойни таъбир жоиз бўлса «отахон» бекатлардан бири дейиш мумкин. Бу маскан 1932 йилдан бери одамларнинг узоғини яқин қилиб келмоқда.*

*Бекат теварак-атрофлари ободонлаштирилган, супуриб-сидирилган. Эрта-ю кеч савдо дўконлари, ошхоналар, кутиш заллари ишлаб турибди. Ходим ва хизматчилар йўловчиларни ҳамиша хушмуомалалик билан кутиб олиб, кузатиб қўйишади.*

**Суратда: шоҳ бекат назоратчиси Ҳакимжон Йўлдошев ва ҳайдовчи Шариф Раҳматуллинлар ҳайдовчиларни автобусга чиқариш пайти.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

---

*Осойишталик посбонлари*

## ОГОҲЛИК, ҲУШЁРЛИК АСОСИЙ БУРЧ ДЕМАКДИР



Ўз вақтида олди олинмаган жиноятнинг пайини қирқиш гўёки ўтиб кетган дардни муолажа қилишдек мураккаб иш. Албатта, унинг чандиғи қолади. Туманимиз тоғли ҳудудда жойлашганлиги боис, аҳолининг кўпроқ қисми чорвачилик билан шуғулланади. Табиийки, шу боис чорва молларини ўғирлаш жинояти тез-тез содир бўлиб туради. Ўтган 1999 йилда содир этилган жиноятларнинг 34 тасини ўғирлик ташкил этди. Ходимларимиз мазкур жиноятларни фош этишда жонбозлик кўрсатишди. Чорва моллари ўғрилари, фуқароларнинг пуллари ва қимматбаҳо буюмларини ўмариб кетган жиноятчилар аниқланиб, қўлга олинди. Жумладан, Бойсун шаҳарчаси Ш.Рашидов кўчасида яшовчи Ойбиби Тўраеванинг ўз уйини қаровсиз қолдириши ўғрига қўл келади. И.Назаров номли жамоа хўжалигида яшовчи Соли Абдураҳимов О.Тўраеванинг хонадонига кириб, сандиғи ичидан 500 АҚШ долларини ўғирлаб кетади. Тезкор ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ўғри ушланиб, пул эгасига қайтарилди.

Сайроб қишлоғида Р.Нисоловага тегишли тижорат дўконининг яхши қўриқланмаслиги ҳамда унинг ичида кўп миқдордаги қимматбаҳо товарларнинг сақланишини обдон ўрганган ўғрилар орқа деворни тешиб, 60.000 сўмлик қимматбаҳо мол-мулкни ўғирлаб кетишади. ЖҚБ ходимларининг тезкор қидирувлари натижасида қўлга олинган ўғриларнинг 41-сонли ўрта мактабнинг икки нафар битирувчилари эканлиги маълум бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, ўғирликнинг энг жирканч жиноятлардан бири эканлигини аҳолига, ва айниқса, балоғат остонасидаги ёшларга тушунтирмоқ керак. Чунки инсон жиноят содир этиб судланиши, жазони ўтаб келиши ҳам мумкин. Аммо бу жирканч тавқи лаънатдан ўзи ҳам, фарзандлари ҳам умрбод ҳижолат чекиб юради. Биз мактаблар, коллежлар ва лицейларда, меҳнат жамоаларида учрашувлар ташкил этиб, бу ҳақда кенг тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Ушбу хайрли ишлар бесамар кетмаяпти, албатта. Аммо...

Бойсунлик Т.Ўролов ҳамда Ю.Раҳимбердиевларнинг яйловда қаровсиз қолиб кетган 8 бош қорамолини Қизириқ туманида яшовчи Тўхта Даминов ҳайдаб кетади. Милиция ходимлари унинг ўғрилигини фош этгач, зини оқлаш учун «Кайфим бор эди, молларни ўғирлаганим йўқ... ўзимники деб ўйлабман», деб жаврай бошлайди. Шунингдек, Сангчил маҳалласида яшовчи Норпарда Норқуловнинг қаровсиз қолган уч бош отларини Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманида яшовчи, муқаддам судланган Тўлқин Ортиқов ўғирлаб кетган. Унга бу жиноятни содир этишда деновлик Абдусамад Норбоев «кўмаклашиб юборган». Тангимуш қишлоғидан Саттор Ғаффоровнинг ўтган йилнинг 2 ноябрида 14 бош қўйлари биратўла ўғирлаб кетилади. Тезкор қидирув натижаларига кўра, асли деновлик, айни чоғда турар жойининг тайини йўқ Алёша Айназаров далилий ашёлар билан қўлга олинди. Бойсунлик Бахтиёр Бобоев ҳамда қизириқлик Панжи Файзиевлар ҳам Алёшанинг «рекордчи» ҳамкасблари эканликларини амалда исботлашди. Улар Оқжар қишлоғида яшовчи Н.Ашуровнинг 12 бош қўйларини ўғирлаб кетиб, пуллашмоқчи бўлганда қўлга олиндилар.

Шунингдек, Кўктепа маҳалласида яшовчи О.Абраевнинг молхонасидан ўғирлаб кетилган 6 бош қўй ҳам С.Айний кўчасида яшовчи, муқаддам судланган кимсалар Камол Ўринов ҳамда Шокир Бозоровларнинг молхоналаридан топилди.

Алалхусус, ўғрилар-ку тегишли жазоларини олишди. Аммо халқимизнинг «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», деган доно нақлини унутиб қўяётганимизни яна бир карра таъкидламоқчи эдим. Содир этилган ўғирликларнинг тўқсон фоизида шахсий чорва эгаларининг ўта «бамайлихотир»ликлари сабаб. Чунки улар чорва молларини яйловларда қаровсиз қолдиришган. Кўпчилик фуқаролар эса молхоналарини ҳовлиларининг доимий равишда назорат қилиб туриш мушкул бўлган олис чеккасида, ўғрига ўнғай қилиб қуришган.

Олиб борилган тушунтириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларимиз натижасида 16 нафар фуқаро ўз ихтиёри билан ноқонуний равишда сақлаётган ўқотар қуролларини олиб келиб топширишди. Демак, содир этилиш эҳтимоли бўлган бир қанча оғир жиноятнинг олди олинди.

Диний ақидапарастлик, экстремизм билан шуғулланувчи ислом ниқоби ичидаги ғаламис кимсаларга қарши курашишдан ҳам кўра, уларнинг таъсирига берилиш эҳтимоли бўлган ёшларни бу мудҳиш йўлдан қайтариш энг хайрли ва долзарб вазифа ҳисобланади. Туманимиз ҳудудида ўтказилган «Тозалаш» профилактика тадбирлари жараёнида қумқўрғонлик Абдурасул Шерназаров ҳамда унинг бойсунлик шериги Абдуғани Ёқубовлар қўлга олиндилар. Уларнинг уйларидан тинтув чоғида кўплаб нашриётининг тайини бўлмаган диний ақидапарастликни тарғиб этувчи китоблар, варақалар, ислом давлати қуриш ҳамда амалдаги конституцион тузумни ағдариб ташлашга даъват этувчи варақалар топилди. Айни чоғда уларга нисбатан тегишли жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётир. Шу жумладан, И.Назаров номли жамоа хўжалигининг Боғибало қишлоғида яшовчи 23 ёшлик йигит Алиёр Жўраевнинг ҳам ана шундай «заҳарли газанда»га айланганлиги аниқланиб, қўлга олинди. Уйи кўздан кечирилганда 43 дона на динга, на диёнатга мос келадиган даъват китоблари, 11 дона диний конспект дафтарлари, диний экстремизм тарафдори ва раҳнамоларидан бирининг овози ёзилган аудиокассеталар, 1 дона «Ислом уйғониш ҳизби» норасмий партиясининг низоми ва «аҳднома»си топилди. Шунингдек, қўпорувчиликни, ислом давлати қуришни тарғиб этувчи шиорлар ҳам топилди. Алиёр Жўраев, Чорчинор маҳалласида яшовчи ҳамшаҳари Тоҳир Хурсандов билан ўзаро ҳамкорликда ёшларни йўлдан уриш, диний экстремизмни тарғиб этиш билан шуғулланиб келишган. Бу ғаламисларнинг гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиши ва олди-соттиси билан ҳам шуғулланишлари ошкор бўлди.

Алқисса, юқоридаги воқеаларни мисол келтирар эканман, халқимизнинг «Йигитга ўлим йўқ, аммо ўзини балонинг тиғига уради», деган нақли ёдимга тушди. Сизу бизнинг жамият олдидаги энг муқаддас бурчимиз бу - Ватан, халқ осойишталиги учун ҳузур-ҳаловатдан кечиб, ҳамиша ҳушёр турмоқдир.

**Амиркул АЛЛАЁРОВ,**
**Бойсун тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори**

